1935 йил охиригача Туркистон турклари Совет Армиясига сафарбар этилмас эди. 1935 йилда кабул килинган «Совет Армиясига сафарбарлик» конунига асосан 1935—38 йиллар ичида Кизил Армия хизматларига туркистонликлар оз микдорда олинганди. 1939 йил сўнгида Совет Иттифоки билан Финляндия орасида уруш борганлиги сабаб бўлиб туркистонликлардан Кизил Армияга аскар олиш орта борди. 1941 йил июнь ойида Совет Иттифоки билан Олмония орасида бошланган урушнинг дастлабки йилларида (1941—43) Кизил Армияда такрибан 4.847.775 туркистонлик бор эди. 18 билан 65 ёш орасидаги туркистонликлар жабха хизматига сафарбар килинди. Туркистонликлар 1939— 45 йиллар орасида узлуксиз равишда Кизил Армия хизматига олинишидан олдин, Совет режими Туркистондаги дастлабки сиёсатининг «мевасини» тотаётган эди. Сталиннинг «Давлат ва коммунистик партия идораларини халк душманларидан ва миллатчилардан тозалаш»га оид кўрсатмаси билан Совет Иттифоки коммунистик партияси Марказий Комитети кабул килган карор асосида 1937-—39 йилларда туркистонликлардан такрибан 2 миллионга якин киши камокка олинганди. Бундай террорлардан кейин, кўркинчли йиллар таъсиридаги туркистонликлар энди Кизил Армия хизматига олинаётган эди.
Иккинчи жахон уруши пайтларида Кизил Армияга сафарбар этилган Туркистон туркларининг саноги тўгрисида тўла маълумот йўк. Лекин, «Миллий Туркистон» Бирлик Кўмитасининг 1942—43 йилларда Олмония томонида жабхада бўлган «Туркистон легиони»нинг аскарларига берилган саволларга олинган жавоблардан уруш даврида Кизил Армияда бўлган туркистонликларнинг саноги борасида хакикатга якин маълумот олиш мумкин бўлганди. Тўпланган маълумотларга караганда, 1943 йилда Кизил Армиянинг 6 харбий хисмида, яъни, Минск, Киев, Москва, Ленинград, Узок Шарк, Шимолий Кавказда 1.179.802 туркистонлик аскар бор эди. Факат Минск ва Киёв кисмларида 997.802 нафар эди. Совет Иттифокининг бошка харбий кисмларида бўлган туркистонликларнинг саноги хакида маълумот олишнинг иложи бўлмаган. Олмон уруши доираларининг таркатган маълумотларига кўра, Совет Иттифоки билан Олмония орасидаги урушнинг илк йилларида (1941-42) Советларнинг Гарбий жабхасида такрибан 2 миллионга якин туркистонлик аскар бўлган. Тўргай шахрида жойлашган Олмон харбий асирлари Бошкармасининг 1943 йилда берган маълумотига кўра, урушнинг илк йилларида (1941-42) Совет Армиясидан 1.700000га якин туркистонлик олмонлар томонидан асир олингандир.
Олмон-Совет урушидан олдин, Совет Армиясига чакирилган туркистонликларнинг кўпи Украина ва Польшада хизмат килаётган эди. Финляндия — Совет Иттифоки урушида маънавий ва моддий кучларидан айрилган Кизил Армия Олмониянинг Польшадаги уруш

бораётган чегараларига юборган аскарларини на курол жихатдан, на-да маънавий жихатдан таъминлаган эди. Олмон Армияси билан юзма-юз келган туркистонлик совет аскарларининг кўпчилиги кўлларида милтикка ўхшаган тахта парчаларини кўтариб боришарди. Олмонлар биринчи бўлиб чегарада турган совет аскарларидан туркистонликларга огир зарба бергандилар. Шу сабабли туркистонликларнинг бир кисми ёппасига халок бўлди. Кўпчилиги эса немисларга таслим бўлгай ва улар томонга ўтган эди. Совет Армияси таркибида хизмат килаётган туркистонликларнинг факат озгина кисми оркага чекинди. Лекин буларнинг хам аксарияти немис армияси томонидан асир олинди ва ўлдирилди.

Иккинчи жахон уруши даврида Совет Армиясида бўлган туркистонлик аскарларнинг «Совет Ватани» деб аталган, аслида «Рус ватанпарварлиги» рухида яшаётган Совет Иттифокининг гарбий минтакаларидаги тупрокларини мудофаа килиш учун маънавий кучлари етарли эмас эди. Хеч кимса 1937— 1939 йиллардаги сталинизм-большевизм террОринининг таъсиридан кутулолмаган эди. Устига устак туркистонлик аскарларнинг кўпчилиги рус тилини билмаганлари учун, уларга «иккинчи даражали аскар» назари билан караларди. Шундай бўлса хам туркистонликлар ўз Ватанларидан йирок жабхаларда урушаётган эдилар. Хар бир туркистонлик совет аскарининг хаёлида «мен нега бу ердаман?» деган савол бор эди. Шунинг билан бирга Совет Армиясида Туркистон Миллий Озодлиги учун Русияга карши генерал Миршакар бошчилигида ташкил этилган яширин бир ташкилот Минск шахрида жойлашиб, туркистонлик совет аскэрларининг Олмонияга карши жиддий жангга кирмасликларини ташвик этаётган эди. Кизил Армия кўмондонлиги 1944—45 йилларда тўгридантўгри жабхада уруш олиб бораётган туркистонлик совет аскарларининг озгина кисми Олмонияга сигинганлар эди. Немислар ташвикотининг хатоси хам Совет Армиясига ёрдамчи ролини ўйнади. Немис армияси билан бирга туркистонлик аскарлар Совет Армиясига карши жабхада иштирок этаётган бўлишларига карамай, немис таргибот органлари «Большевизмнинг асосий манбаи мўгуллар ва осиёликлардир» деб жар солишдан воз кечмади. Бундай хатоли таргибот хаммасидан олдин туркистонликларни кўркитмокда эди. Немисларнинг бўлганларини факат кейинчалик билдилар. Лекин шунгача Шомахмудов оиласи анъаналарига боглик холда яшадилар ва ишладилар.

Туркистон умуман Совет Иттифокининг уруш даври иктисодиётида мухим роль ўйнади. Буни Сталин 1943 йилда куйидаги фикрлар билан баён этган эди: «Ўрта Осиё ва Козогистон Совет Жумхуриятлари, Кизил Армиянинг энг мухим курол омбори бўлди.» Сталин биринчи марта Ўрта Осиё ва Козогистон атамасини ишлатган Совет коммунист рахбари бўлган эди. Шу нарсани очик4 кайд этишимиз керакки, Сталиннинг атамачилик борасидаги бу «рухий мерос»ини хозирги кунгача Гарбда хам ишлатиб юрганлар талайгина.

Иккинчи жахон уруши йилларида Туркистон бир томондан Совет Армиясининг аскарий потенциалида ахамиятли роль ўйнаган бўлса, бошка томондан иктисодий имконлари билан Совет Иттифоки харбий иктисодиётига оид талабларини кондиришга мажбур этилди. Бу эса Совет Иттифокининг урушда енгиб чикишида мухим негизлардан бири бўлди. Иккинчи жахон уруши айни чокда Туркистон миллий масаласини ўртага кўндаланг килиб кўйди.

(Олмон-Совет уруши бошланган йилларда Олмонияда бўлган туркистонлик зиёлилар, 1939 йилда Олмония ила Совет Иттифоки орасида Польша таксим этилганидан кейин Туркияга кўчдилар. Ўша йилларда Парижда яшаган Мустафо Чўкай ва Берлинда турган

Вали Каюмхондай икки туркистонлик зиёли, Советлар Иттифоки хокимияти остида яшаб келган турк кавмларининг мухожир зиёлиларининг вакиллари ила ўз мамлакатларидан келган харбий асирларнинг анкеталарини тайёрлаш билан машгул бўлдилар. 1941 йил декабрида Мустафо Чўкай вафот этди. Ёзувли бўлмаган (яъни огзаки) маълумотларга караганда, Совет Иттифокида турк кавмларининг Олмониядаги мухожир рахбарлари, асирларни ишлашга жалб килмок учун анкеталар тузишга киришгандилар. 1942 йил бошида ахвол ўзгарди. Аввал Совет Русияси хокимияти остида бўлган, хозирда эса Олмонияда турган айрим миллатларининг бир кисмини легионларга кабул килиш масаласи кўрилди. Шу тарика Олмония хокимияти остига кирган ерларда Армани, Гуржи, Шимолий Кофкоз, Озарбойжон, Идил-Ўрол ва Туркистон легионлари барпо этилди «Туркистон легиони»нинг биринчи партияси 2 май 1942 йилда Брянск ўрмонларида Совет Армиясига карши жангга кирдилар. 1942 йил августида Вали Каюмхон раислигидаги «Туркистон Миллий Бирлик Кўмитаси» тузилди ва айни замонда «Миллий Туркистон» журнали нашр этилди; Журналнинг биринчи сони (15.8.1942) «Бизнинг йўл» номи билан чикди ва «Бизнинг йўл оталар йўлидир, мустакиллик йўлидир» дея баёнот берди. Олмон Давлати, миллий кўмитанинг бу сиёсий йўлини ўрганиб чикди, аммо унинг сиёсий ниятига карши чикмади.
«Туркистон легиони»нинг жабхадаги аскар ва зобитларининг микдори 1944 йил охирида 181.402 киши эди. Буларга илова ўларок харбий форма кийган ва легионга мансуб бўлган ишчи бирликлари (рабочий персонал) бор эдики, уларнинг саноги 85 мингдан зиёда эди, 1944 йил охирида эса «Туркистон легиони»да 267 мингдан ортик туркистонлик хизматда эди. Аскарий кўмондонлик Олмон армияси томонидан тайин этиларди. Туркистонликлардан батальон ва полк кўмондонлари, рота командирлари жуда кўп эди. Легионнинг сиёсий ва миллий ишлари Миллий Туркистон Бирлик Кўмитаси томонидан идора этиларди. Хар бир аскар ва зобитнинг (легионда хизматда бўлган олмон асир ва зобитларнинг хам) сўл кўлида «Туркистон, Оллох биз билан» тамгаси бор эди. Аекарий онт, Куръони карим каршисида икки килич бирлаштирилиб, Туркистон байроги остида кабул килинарди.
Олмонияда ташкил этилган Озарбойжон, Шимолий Кофкоз, Идил-Ўрол ва Туркистон легионларининг тарихи бугунги кунга кадар ёзилмади. Факат «Туркистон легиони» хакида баъзи манбаларимиз бор. Лекин буларнинг нашрларида харбий кучлар (аскарлар микдори) ва уларнинг фаолиятлари борасида маълумот хамон йўкдайдир.
Туркистон легиони, Совет Русиясининг кўшинларига карши жиддий жанглар олиб борди, Руслар, Туркистон миллий аскарларидан асир олмас, уларни «кора фашистлар» дейишарди. Олинган асирларни жойида ўлдиришарди. Хатто, ярадор миллий аскарларни хам аяб ўтиришмасди. Туркистон легиони 1944 йилнинг охирига кадар такрибан 65 минг шахид берганди, 900 га якин легионер, Совет партизан Бирликларига кочгандилар. Легионерлар, олмон аскар ва субойлари (зобитлар, офицерлар) билан умуман яхши англашардилар. Баъзан ораларида англашмаслик холлари хам бўларди. Туркистон легиони ўзбек, козок, киргиз, туркман ва тожик кавмларидан иборат эди. Улар советларнинг йиллар давомида олиб борган парчалаш ва бир-бирига карши кўйиш сиёсатига карамай, туркистонликларнинг «Турклик бирлиги»ни кўрсатиб кўйиш кобилиятларини хам исбот этгандилар. Табиийки, совет таргиботи Туркистон легионини ичидан бузиш учун кўп ишлади. Лекин Туркистон Миллий Бирлигини бузолмади.
Олмон давлати 24 март 1945 йилда Туркистон легионини ТУРКИСТОН МИЛЛИИ АРМИЯСИ, Туркистон Миллий Бирлик Кўмитасини ТУРКИСТОН МИЛЛИЙ ХУКУМАТИ

сифатида расмий бир васика билан таниди. Миллий хукуматга Олмония ва унга дўст давлатлар билан дипломатик муносабатларда бўлиш хукукини хам берганди. Олмониянинг бу тадбири бироз кечиккан бўлса хам, тарихий бир ходиса сифатида, шундай бир таниш кароринг васикаси хам ўша даврнинг Туркистон миллий масаласига бир муносабат сифатида ахамиятлидир.
Иккинчи жахон урушидан кейин олмонларнинг химояси остида тутилган тўркистонлик асирларнинг ва Туркистон Миллий Армиясининг аскар ва субойлари хаётида аччик бир давр бошланди. Иттифокчи давлатлар Америка, Англия ва Совет Иттифокининг давлат бошликларининг Ялта шахридаги 1945 йил февраль англашма (шартнома)сига кўра, хар бир давлат урушдан кейин ўз ватандошларини кайтариб олиши керак эди. Бундай шартнома озод ватанга эга бўлган давлат ватандоши учун гоят табиий бир масала эди. Аммо, Совет Иттифоки учун бундай карорга келишилгани кўп кишиларнинг ўлимига сабаб бўлди. Ялта шартномаси асосида, Америка, Англия ва Франция армиясининг минтакаларида бўлган туркистонлик аскарлар ва миллий аскарлар зўр билан Совет Иттифокига жўнатила бошланди. Совет Иттифокидан келган туркларнинг аксарияти, шу жумладан 200 мингдан ортик туркистонлик Совет Иттифокига кетишдан бош тортдилар. Иттифокчи давлатларнинг субойлари, рус субойлари билан бирга каердаки бир собик совет аскарини, асирини ёки олмонлар билан бирга Совет армиясига карши жанг килган аскарларни кўрсалар, дархол Совет офицерларига таслим килиб берардилар. Америкадаги арманилар ўз арманиларини куткариш учун бемалол, муваффакият билан ишладилар. Совет Иттифокига кетишни истамаган туркларга ёрдам берадиган бир давлат изланарди. Олмонияда бўлган икки турк талабасининг химмати билан 1945 йилда Туркия Аркон-и Харбия-и Умумиясининг Бавариядаги Америка армияси назнидаги тамсилчиси Юзбоши Эхсон Унасан (1966 йилда вафот этди) билан танишдим. Ундан ёрдам сўрадим. У, ўз навбатида туркларнинг анкетасини хозирлашимни илтимос килди. Эхсон Бей анкеталарнинг бир нусхасини ўзи олди., бошка бир нусхасини эса махфий йўллар билан Анкарага жўнатди. Эхсон Бей ўтирган учок Югославия устида ўкка тутилди ва учок уриб туширилди (унинг жомадонидаги анкеталар йўколди). Жўнатилган иккинчи нусха эса Анкарага келган, Анкарада масъулиятли хизматчилар бу анкеталар асосида Олмониядан 100 мингга якин туркнинг Туркияга келтирилиши масаласини мухокама килганлар. Ораларида «Агар буларнинг орасида 10 минг Совет жосуси бўлса нима киламиз?» саволи тугилган ва «Кабул этилмасин» дея карор килганлар. Туркияга бош урган бунча инсоннинг 10 минг тугул юз кишиси хам жосус бўлмаслигини кўра билмаганлар. Ёрдамсиз колган турклар, 1945 йил ноябрига кадар, Совет Иттифокига курол кучи ила (зўрлик билан) таслим этилганлар. 1945 йил ноябрида Эйзенхауэрнинг «Русияга бирон одам зўрлик билан жўнатилмасин!» деган амрига асосан, 6—7 минг турк, шу жумладан такрибан 800 туркистонлик жонларини кутказиб кола олдилар. Совет Иттифокига зўр билан жўнатилган туркистонликларнинг офицерлари Совет Жазо конуни, уруш пайти коидалари асосида дархол ўкка тутилганлар. Колганлар эса, 20—25 йил давомида жазо уйларида, хусусан, Сибирия сургунларида бўлганлар, сог колганлари сўнгра ватанларига кайтишга муваффак бўлганлар. Иттифокчи давлатлар, бугунги кунга кадар Совет Иттифокига жўнатилган собик совет аскарлари хакидаги архивни нашр этганлари йўк.
Иккинчи жахон уруши йилларидаги Туркистоннинг Совет Харбий хаётига кўшган хиссаси хакида Совет Иттифокида ёзилган бир канча асарлар бор. Туркистонликларнинг олмонлар ила бирга Совет Русиясига карши жанглари хакида Совет Иттифокида

ёзилган талайгина асарлар, шу жумладан романлар, маколалар ва хотиралар бор, Олмонияда Совет Иттифокидан келган туркларнинг иккинчи жахон уруши йилларида миллий озодлик даъвоси, давом эттирган курашлари, жанглари хакида баъзи асарлар ёзилди. Лекин булар туркистонликларнинг харакатини тўла ва тўгри ифода этмаганлар. Иккинчи жахон уруши йилларида туркистонликларнинг икки жабхада, советлар ва олмонлар тарафидаги жанглари ва Туркистоннинг у йиллардаги ахволи хакида бу кунга кадар миллий туйгу ва халол манбалар асосида ёзилган асар йўк, бундай асар яратилмагандир.

Иккинчи жахон уруши даврида Олмония билан бирга урушган Туркистон Миллий Армиясининг тарихда колдирган баъзи мухим излари бор. Буларни куйидаги нукталарда баён эта оламиз: 1-Туркистонлик беш кавм вакилларидан иборат бир Туркистон ўрдуси (Армияси)нинг курилиши, Туркистонда миллий турк туйгуларининг ўлмаганлигини исбот этди.

2-Туркистонликлардан хали Совет кишилари, Совет миллати яратилмаганлиги тасдик этилди. Чунки Туркистон миллий ўрдусида Совет хокимияти хизматида бўлган барча ижтимоий гурухлар (ўкитувчилар, партия ва давлат идораларида ишлаган шахслар, офицерлар, коммунистлар, хаттоки, сиёсий комиссарлар, талабалар, ишчи ва дехконлар) бор эди.

З-Туркистон легиони, сўнгра Туркистон Миллий Армияси, Совет Армиясидаги туркистонликларга рухий жихатдан таъсир кўрсатди. Шунинг натижасида Совет давлати, 1926 йилдан бери Ўрта Осиё Харбий Округи исмини ташиган округ исмини ТУРКИСТОН ХАРБИЙ ОКРУГИ деб ўзгартиришга мажбур бўлди.

4-Туркистон Миллий Армиясида Ислом диний таълимотининг ва жабхада хам Ислом маросимларининг давом эттирилиши ва Совет Армиясида бўлган туркистонликларнинг ота-оналарининг талабларига биноан, Совет давлати илк бор Туркистонда Ислом Диний Ташкилотининг тузилишига ва Совет Армиясида Ислом жаноза маросимига изн бермакка мажбур бўлди.

5-Олмонияда маълум бўлган манбалардан биламизки, туркистонлик легионерлар ва кейинги Туркистон Миллий Армияси, аскарлари саногининг кўплиги билан Олмонияда ташкил этилган барча миллий кўмиталар, жумладан Озарбойжон Легиони ва Миллий Кўмитаси, Озарбойжон номидан Ёрбой Фотихали Юдон Бей ва Туркистон номидан Бенденизи, Олмон Пиёда Кучлари Кўмондонлигининг «Туркия Олмонияга карши жабха очса, Туркистон ва Озарбойжон аскарлари «Туркияга карши жабхага кира оладими?» саволига кескинлик билан: «йўк, Туркияга карши жабхага киролмаймиз» дея жавоб бергандилар. Бу билан турклигимизнинг йўли тайин этилганди. Холбуки, Олмон уруши кўмондонлиги, бизнинг Туркияга карши жабхага киришимизга рози бўлганди.

6-Туркистонда уруш пайтида ва урушдан кейин Миллий Армиянинг рухи асосида янги бир мйллиятчилик окими юзага келди. Шу сабабли Советлар-нинг, уруш йилларида, туркистонликларнинг Олмония билан бирга Совет Русиясига карши жабхага киришларининг сабабларидан кўз юмиши ва миллий харакатни таъсирсиз ва ахамиятсиз килиб кўрсатиш ниятида олиб борган ташвикоти хам янги. миллиятчиларнинг кўпайишига, имконлар бердиД

Совет Армияси 1979 йил охиридан эътиборан Афгонистонни ишгол килган илк ойларда, бу ишголчи армия орасйда туркистонликлар кўп эди. Туркистонлик совет аскарлари, Афгонистон мужохидларига карши берилган буйрук асосида харакат килмадилар. Булар хаттоки, Совет Армиясини маънан бузди-лар. Шунинг учун Совет Харбий Кўмондонлиги

очикчасига Афгонистондан кўп микдорда туркистонликларни кайтариб олишга мажбур бўлди.
Афсуски, Гарб ўлкаларида бу кунга кадар Туркистоннинг Иккинчи жахон уруши йилларидаги (1939—1945) умумий масалалари тадкик этилмаган. Туркистоннинг уруш йилларидаги умумий саваш манзарасини (инсоний ва моддий потенциаллари ва миллий озодлик харакатини) ўрганиш учун хеч бўлмаганда Советларнинг асарлари танкидйй кўз билан тадкик этилиши керакдир.

Боймирза Хайит